ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри | Нөкис қаласы

№ 260 «18» апрел 2018 ж.й

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон урушии катнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги ПФ-5417-сонли Фармони ҳақида**

Мамлакатимизда 9 май умумхалк байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлокий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан козонилган ғалабанинг 73 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш катнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон урушии катнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги ПФ-5417-сонли Фармони ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

а) Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ва ногиронларига 5 000 000 (беш миллион) сўм микдорида бир йўла пул мукофоти белгиланганлиги;

б) Мазкур Фармонни бажариш билан боғлик сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминлаш вазифаси юклатилганлиги;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-кизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоки, Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, бошка нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказиш топширилганлиги маълумот учун кабул этилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошкармаси (Б.Бегабоев), Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов), Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси худудий бошкармаси (С.Мадреймов), Молия вазирлиги (М.Содиков), Марказий Банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Бош бошкармаси (Б.Алланиязов) ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Шимоли-ғарбий ҳарбий округи қўмондонлиги билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ва ногиронларга ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари (А.Тажетдинов, М.Жуманов, М.Алеуов, З.Ибрагимова)га:

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги (П.Айтмуратов), Мудофаа ишлари бошкармаси (Б.Бегабоев), Ички ишлар вазири (А.Темирханов), Қорақалпоғистон Республикаси худудий бошкармаси (С.Мадреймов), Маънавият ва маърифат маркази (Қ.Юсупов), "Нуроний" (Ш.Усnатдинов) ва "Маҳалла" (Т.Романов) жамғармалари, бошка жамоат ташкилотлари, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Шимоли-ғарбий ҳарбий округи қўмондонлиги билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларга бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказиш топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

UMUMIY BO'LIM
UMUMIY BO'LIM